



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институту ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova Xizmat ko'rsatish sohasidagi korxonalarning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash choralarini o'rganish va takomillashtirish	73
Дурбек Мирзаахмадов Хизмат кўрсатиш корхоналари рақобат устунлигини таъминлаш механизмлари	78
Bobir Xo'jaqul o'g'li Qilichov Xizmat ko'rsatish sohasi bo'lgan sug'urta va turizm korxonalari samaradorligining qiyosiy tahlili	82
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Дилбар Хасановна Асланова, Нигина Тажиевна Юсупова Оценка перспектив создания кластера в туристском секторе экономики Республики Узбекистан	87
Райхона Садриддиновна Амриддинова, Сардор Олимович Рахимов Сотрудничество между туроператорами и гостиницами как залог успешной продажи гостиничных номеров в Узбекистане	94
Farrux Oltinboyevich Husanov Turistik oqimlar va transport masalalarini modellashtirish	98
Suxrob Ramazonovich Bobokalonov Buxoro viloyatida joylashgan Afshona qishlog'ida turizm shaharchasini tashkil etish loyihasini amalga oshirish istiqbollari	102
G'ayrat Soyibovich Raupov Turizm xizmatlarini diversifikatsiyalash jarayonining konseptual modeli va diversifikatsiya matritsasi	110
Shohista Bobobekovna Toyirova O'zbekistonda ekologik turizmning yangi turizm yo'nalishi sifatida rivojlanish tendensiyasi	115
Камилла Бахромовна Суюнова Худудий брендни шакллантириш мақсадида давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари	119
Latofat Tolibovna Yo'ldosheva Samarqand viloyati turizm sohasining rivojlanish holati va tendensiyalari	123
Матлуба Абдиманабовна Куймуратова Жаҳонда туризмнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари	127
Kamol Sharifovich Yuldashev Xalqaro tajriba asosida O'zbekistonga mustaqil turistlarni jalb qilishda viza siyosatining ta'siri	132
Азиза Пирмаматовна Махмудова Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш йўллари	137
Marjon Komilovna Sharifova Ziyorat turizmini strategik rivojlantirish va tahlil qilish yo'llari	140
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Умар Худайбердиев Оила муносабатларидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари	145
Акрам Одилович Очилов, Жаббор Махмудович Суюнов Критерии оценки деятельности субъектов предпринимательства в регионах	147
Шавкат Собирович Олтаев Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари	152

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Statista Research Department, 2024. <https://www.statista.com>
2. Page.S. Tourism Management. 2019.6th edition.Routhledge.London
3. Leiper.N.1990. Tourism Systems: Interdisciplinary Perspective. Department of Management Systems. Business Studies Faculty.
4. J.Page., J.Connell. Tourism:A Modern Synthesis. Fifth edition. Routhledge. 2020.
5. M.Aliyeva, A.Norchayev.Turizm Menejmenti: O‘quv qo‘llanma-T.:TDIU.2007.
6. Shodmonov.Sh.Iqtisodiyot nazariyasi:Darslik.2020.
7. M.R.Dileep.2019.Tourism,Transport and Travel Management.1st edition.
8. 2022-2026-yillarda Samarqand viloyati hududlarini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va aholi turmush darajasini yanada yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 222-son qarori.28.04.2022.
9. Samarqand viloyati Statistika Boshqarmasining “Samarqand viloyatida turizm va dam olish rivojlanishining asosiy ko‘rsatkichlari 2022” statistik Byulleteni
10. <https://www.silkroad-samarkand.com>
11. <https://zarnews.uz.post> >Samarqandga olti oyda qancha sayyoh keldi?
12. Kandampullu.J.,Solnet.D.2018. Service Management Principles for Hospitality and Tourism.3rd edition.
13. www.samstat.uz
14. <https://stat.uz>

<p>Л.Юлдошева</p> <p>Состояние и тенденции развития туристической сферы Самаркандской области</p> <p>Аннотация. В данной статье туристический потенциал Самаркандской области изучается с использованием различных экономических методов с целью анализа современного состояния и возможностей элементов и субъектов туристической отрасли, уровня социально-экономического благополучия жителей Самаркандской области, а также представлены научно-методические рекомендации по дальнейшему совершенствованию туристической отрасли региона.</p> <p>Ключевые слова: цифровая экономика, экономический закон Энгеля, сезонность, социально-демографические факторы, программы социально-экономического развития, доходы потребителей, туристический спрос.</p>	<p>L.Yuldosheva</p> <p>Development status and trends of tourism sector of Samarkand region</p> <p>Abstract. In this article, the tourism potential of the Samarkand region is studied using various economic methods in order to analyze the current state and capabilities of elements and subjects of the tourism industry, the level of socio-economic well-being of residents of the Samarkand region and also presented scientific and methodological recommendations for further improvement of the tourism industry in the region.</p> <p>Keywords: digital economy, Engel's economic law, seasonality, socio-demographic factors, socio-economic development programs, consumer income, tourist demand.</p>
--	---

Матлуба Абдиманабовна Куймуратова – Наманган муҳандислик-технология институти доценти, PhD

ЖАҲОНДА ТУРИЗМНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада жаҳонда туризмнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари қараб чиқилган бўлиб, бунда жаҳоннинг туристик ҳудудлари бўйича халқаро туризмнинг 2000-2020 йиллар давомида ривожланиши даражаси ва 2030 йилгача бўлган башоратлари берилган. Халқаро туризм бозорининг ҳам шу даврга бўлган ҳудудлар бўйича ўзгариш тенденциялари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: туризм, халқаро туризм, жаҳон туризми, туристик салоҳият, туризм индустрияси, туризмни ривожлантириш, халқаро туризм, туризм бозори, хизматлар, хизматлар экспорти.

Кириш. Ҳозирги вақтда жаҳонда туризм индустрияси бутунжаҳон хизматлар савдосида динамик даражаларда ривожланиб бораётган соҳа ҳисобланади. Агар, 1950 йилда жаҳон бўйича туристлар сони 25 млн. ва туризм индустриясининг даромади 2,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, БТТ нинг бугунги кундаги маълумотлари

бўйича жаҳонда халқаро туристлар сони 1,035 млрд. киши, туризм соҳасида олинган йиллик даромад 1,3 трлн. доллардан ошди. Ҳар йили 5-6 млрд. киши ўз мамлакатларида туристик саёҳатларга чиқмоқда.

Бутунжаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига кўра, туризмга 2014 йилда жаҳон ЯИМ нинг 9% и (6 трлн. доллардан ортик), жаҳон экспортининг 6 % и, шу жумладан, жаҳондаги хизматлар экспортининг 30% гачаси тўғри келмоқда. Дунёдаги 260 млн. ишчи ўрни туризм ва саёҳатлар билан боғланган (шулардан 100 млн. киши бевосита туризм соҳасида). Яъни, дунёда ҳар 11-чи ишчи киши туризм индустриясида ишлайди. Жойлаштириш воситаларининг номер фонди 12,7 млн.ни ташкил қилади (шу жумладан АҚШда-4,9 млн., Европада-3,9 млн.)¹. 2018 йилда туризмнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 8,8 триллион АҚШ долларига, яъни ЯИМнинг 10.4 %ига, шунингдек, умумий экспортнинг 1,5 триллион АҚШ доллари яъни 6.5 %ига (бу умумий хизматлар экспортининг 27.2%и демакдир) ва 319 миллион иш ўрни (ҳар 10 тадан 1 киши туризм соҳасида ишлайди)² га тенг бўлди. Ушбу кўрсаткичлар 2024 йилга келиб 1,6-1,8 баробарга ошди. Кўриниб турибдики, туризм дунё миқёсида ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан мазкур мақола ўта долзарб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги давримизда туризм индустриясининг роли нафақат ривожланган давлатлар иқтисодида, балки, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётида ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Туризм қашшоқлик билан курашишда шунингдек, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ва ҳудудларида яшаётган инсонларнинг бири-бирига яқинлашувида ҳам муҳим шароитларни яратади. Масалан, Кариб Бассейнининг оролларидаги кичик давлатлардаги иш ўринларини ва улардаги ЯИМ то 3/4 % ини таъминлаб, бу мамлакатлардаги аҳолиларининг яшаш тарзида муҳим ҳаётий ўринга эга.

Европанинг ривожланган мамлакатларида туризм ЯИМ нинг то 10-15% ини ташкил қилади. Африкада туризмнинг аҳамияти фақат Жанубий Африка Республикасида кучли ўринни ва Шимолий Африканинг бир неча давлатларидагина ривожланишнинг дастлабки босқичларида ҳисобланади.

Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодиётида ҳам туризм соҳаси муҳим роль ўйнайди (айниқса БААда), лекин сўнгги йилларда бу мамлакатларда туризмнинг ривожланишига хавфсизликни таъминлаш муаммолари катта тўсқинлик қилмоқда. Туризмнинг Жанубий-Шарқий мамлакатлар иқтисодиётига қўшган улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

БТТнинг ҳисоб-китоблари бўйича 2020 йилда халқаро туристик оқим 1,36 млрд кишига, 2030 йилда 1,39 млрд. кишига етиши башорат қилинган. Бу маълумотлардан маълум бўладики, сайёрамизнинг ҳар беш кишисидан бири туристик фаолият билан шуғулланишади. Яъни башоратлар бўйича халқаро туристлар оқимининг йиллик ўсиши-4% ни ташкил этади. Халқаро туризм ва саёҳатларнинг жаҳон ЯИМ га қўшган улуши 2030 йилга бориб то 10% га (9,2 трлн.доллар)ча ошади. Натижада туризм соҳасида қўшимча 21 млн. иш ўринлари яратилади ва бандлик бўйича туризмнинг қўшган ҳиссаси ҳам деярли 10% (325 млн. ишчи)га кўтарилади³. Албатта, халқаро туризмнинг ривожланишига жаҳон туризмидаги ҳудудий фарқларга катта таъсир кўрсатиши тайин, лекин, жаҳон туризми ривожланишидаги бу кўрсаткичлар диққатга сазовор ҳисобланади⁴.

Жаҳонда салбий сиёсий ва иқтисодий муҳитнинг баъзида кескинлашуви ва сақланиб турганлигига қарамасдан, туризм соҳаси ўсиши бўйича барқарор тенденцияга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолатни кузатиб бораётган кўплаб янги давлатлар ва ҳудудлар

¹ Основы туризма. Учебник, Коллектив авторов; под. ред. Е.Л.Писаревского. Москва, Федеральное агенство по туризму, 2014, 384 с.(236-246 с).

² UNWTO barometer 2018 – World Tourism Organization (UNWTO), april 2018. <https://www.moodiedavittreport.com/wp-content/uploads/2018/04/wto-1.png>

³ Кружалин В.И., Мироненко Н.С., Зигерн-Корн Н.В., Шабалина Н.В.. География туризма, учебник – М.: Федеральное агенство по туризму, 2014. – 336 с.

⁴ Основы туризма: учебник / коллектив авторов ; под ред. Е.Л. Писаревского. – М.: Федеральное агенство по туризму, 2014. – 384 с.

туризм соҳасини ривожлантиришга жадал киришмоқдалар. Жаҳон туризмида етакчилик қилаётган давлатларга рақобат кўрсатувчи янги, жозибали туристик марказлар ва давлатлар ҳосил бўлмоқда. Шу билан бирга, жаҳоннинг кўплаб давлатлари ва ҳудудларидаги нотекис ижтимоий-иқтисодий ривожланиш халқаро туристик оқим динамикасининг нотекислигини ҳам келтириб чиқарган.

Халқаро туризмнинг ривожланишига турли-туман иқтисодий (2018-2022 йиллардаги иқтисодий инқироз), сиёсий (Яқин шарқдаги «араблар баҳори» воқеаси, Шимолий Африкадаги қарама-қаршиликлар даври ва ҳ.к.), табиий (ер қимирлашлар, довуллар, иқлим ўзгариши, эпидемия ва ҳ.к.) омиллар кескин таъсир қилади. Лекин, қайд қилинган барча тўсқинлик омилларига қарамасдан, жаҳон туризми дунёвий чегараларда барқарор ривожланаётганлигини тасдиқлади.

Америка ҳудудидаги туризмнинг ривожланиши тобора турли-туманликни эгаллаб бормоқда. АҚШ чиқиш туризми асосий оқимлардан ҳисобланса-да, америкаликларнинг ўз давлатлари ҳудудларида туристик фаолияти анъанавий тусда эканлигидан чиқиш туризмни янада кучайтиришининг имкониятлари топилмаяпти. Бразилия кириш туризмни 2014 йилдаги футбол бўйича жаҳон чемпионати ва 2016 йилдаги 2025 йилгача икки маротаба кўтаришни (10 млн. турист) ва туризмдаги тушумларни 2,3 маротабага то 15 млрд. долл. етказилиши режалаштирилмоқда¹. Аммо, бундай жадал тараққиётга пандемия шароити салбий таъсирини ўтказди.

2012-2023 йилларда халқаро туризмга харажатлар бўйича лидер мамлакатлар рейтинги бўйича муҳим ўзгаришлар юз берди: биринчи ўринга бу йилда халқаро туризмга 102 млрд. доллар сарфлаган Хитой халқ Республикаси чиқди (бу йилда Хитойнинг харажатлари халқаро туризмга 37% ошди). Туризмни ривожлантиришга ажратилаётган катта маблағларни тадқиқот қилаётган баъзи тадқиқотчилар халқаро туризмни ривожлантиришда «Хитой омили» ҳақида гапирмоқдалар.

Бу давлат мамлакатдан чиқиш меъёрларини соддалаштириш, хитойликларнинг даромадларини ошириш ва Хитой миллий валютасини мустаҳкамлаш йўли билан 2012-2023 йилларда туризмни ривожлантиришдаги харажатларини 8 баробарга оширди. Хитойнинг халқаро туризмни ривожлантиришдаги бу омилини бошқа давлатлар ҳам қўлламоқда. Россия туризмни ривожлантиришдаги харажатларини 3 баробарга, Австралия 3,5 баробарга оширмоқда. Лекин туризмда етакчи баъзи давлатлар туризмни ривожлантиришга ажратилаётган харажатларини пасайтириши ҳам қайд қилинаёпти (Япония, Буюк Британия). Жаҳон туризмида лидерлик қилаётган 10 мамлакатнинг туризмни ривожлантиришдаги улуши 46% ни ташкил қилмоқда². Шунингдек, туризм соҳасининг ривожланиши чегаралари ва бу соҳага алоҳида эътибор бераётган давлатларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Жаҳон туризм бозори юз берган жиддий ўзгаришларга қарамасдан, ҳудудлар ичидаги туризм жаҳон туризмидаги асосий туристик оқимни ташкил қилмоқда. 2020-2023 йилларда жаҳон туризми оқимининг 81% и туристик ҳудудлар ичида амалга оширилди. Туристик алмашувнинг катта миқдорлари қўшни давлатларда ёки ҳудуднинг бир давлатларида қайд қилинаёпти. Бу тенденция Европада аниқ намоён бўлмоқда- 87% туристлар-Европаликлар. Фақат Яқин Шарқ ҳудудида ҳудудлараро туристик оқим 55% ни ҳудуднинг туристлари 45% ни ташкил қилмоқда. Натижада, 2018 йилда ўртача глобал иқтисодий ўсиш 3.2% бўлган бўлса, бу кўрсаткич туризм соҳасида ундан юқори ўсишни қайд этди.³

БМТнинг Жаҳоннинг туристик ҳудудлари бўйича халқаро туризмнинг 1950-2000-2010 йиллар давомидаги ривожланиши ва 2020 ҳамда 2030 йилгача башорати қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

¹Статистика туризма : учебник / коллектив авторов ; под ред. А.Ю. Александровой. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 464 с.

²Экономика туризма : учебник / М.А. Морозов, Н.С. Морозова, Г.А. Карпова, Л.В. Хорева. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 320 с.

³ Travel & Tourism Economic Impact 2019. P.1.

1-жадвал

Жаҳоннинг туристик ҳудудлари бўйича халқаро туризмнинг 2000-2020 йиллар давомида ривожланиши ва 2030 йилгача башорати¹

Кўрсаткичлар	2000	2010	2015	2020	2030 (башорат)
Дунё бўйича туристик оқим, млн. киши	439,5	687,0	940,0	1360	1809
Европа	60,4	57,1	50,5	45,6	41,1
Америка	21,1	18,6	16,0	14,6	13,7
Осиё-Тинч океани ҳудуди	12,8	16,8	21,7	26,1	29,6
Африка	3,5	4,0	5,3	6,3	7,4
Яқин Шарқ	2,2	3,5	6,4	7,4	8,2

Манба: БТТ маълумотлари.

Келтирилган жадвал маълумотларининг таҳлилидан маълум бўладики, Европанинг кейинги йилларда йиллик кўрсаткичлар бўйича жаҳон туризмидаги янги ҳудудлардан орқада қолаётганлиги давом этиб, етакчилик мавқеий пасайиб бормоқда. XX асрда Европа ва Америка халқаро туризмда бошқа ҳудудларга нисбатан энг юқори кўрсаткичларни кўп йиллар давомида эгаллаб келди. Янги аср бошланишидан уларнинг халқаро туристларни жалб қилиши пасайиб келмоқда. Лекин ҳозир ҳам, бу иккала қитъа халқаро туристик оқимни анча юқори даражаларда ташкил қилмоқда.

Жаҳоннинг кўплаб давлатлари ва ҳудудларини қамраб олган туризм бозори рақобат кураши ва қатнашувчиларнинг иқтисодий қарама-қаршилиги кучайиб бораётган шароитларда муваффақият билан ривожланиб бормоқда. Бу шароитларнинг келиб чиқишидаги асосий сабаблар ташқи туризм бозорига ўзларининг туристик маҳсулотлари, туристик хизматларини ва туристик рекламаларини кутилмаган ва бошқа йўллар билан чиқараётганлигига ҳам эътибор беришмоқда.


Шу билан бирга, туристик эҳтиёжлар ва туристик таклифларнинг жаҳон туризм бозорига чиқарилиши ҳам, маълум бир давлатларда яратилиши бир қатор ўзгарувчи омилларга: давлатларнинг иқтисодий ва молиявий ривожланишига, давлатларнинг сиёсатининг ўзгаришига, инновацион технологияларнинг ривожланишига боғлиқ ҳисобланади.

Тинч океани ҳудудидаги давлатларнинг халқаро туризми бирданига катта миқдорларни ташкил қилмоқда ва 2020 йилдан бошлаб жаҳон туризмида иккинчи ўринга чиқди. Африка ва Яқин Шарқда муаммоларнинг кўплигига қарамасдан халқаро туризмда ушбу ҳудудлар улушининг ўсиши давом этмоқда. Жаҳоннинг халқаро туризм ҳудудларидаги халқаро туристик оқимнинг таҳлилларидан маълум бўлмоқдаки, Европа халқаро туризмида халқаро туристларнинг оқими асосан Жанубий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ҳисобига тўғри келади (35% ва 31% кириш-2012 йил). Иқлимнинг қулайлиги, бой миллий меърос, ижтимоий-иқтисодий даражаларнинг юқорилиги ва сиёсий муҳитнинг меъёрийлиги халқаро туристларнинг оқимини ташкил қилувчи асосий хусусиятлардан бири ҳисобланади (1-расм).

Кўриниб турибдики, асосий халқаро туристик кириш Марказий-Шарқий Европада юқори кўрсаткичларга эга (21%). Осиё-Тинч океани ҳудудида асосий туристик оқим Шимолий-Шарқий Осиёда ошиб бормоқда (53%). Бу ҳудудга аниқ рақобатни Жанубий-Осиё ҳудуди келтириб чиқариши ҳам аниқ бўлиб қолди (36%). Бу ҳудуддаги давлатларнинг ўртасидаги мураккаб сиёсий вазиятлар ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг анча пастлигига қарамасдан бетакрор табиат ва табиий иқлим шароитлари бўйича халқаро туризмни янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Австралия ва Океания ҳудуди давлатлар ўртасидаги масофа узоклигидан халқаро туристик оқимни кучайтиришда ҳозирги имкониятлари анча чекланган. Бу иккала ҳудуд туристик йўлланмалар нархини пасайтириши йўли билан халқаро туристик оқимни кучайтириши мумкин. Бу усул эса халқаро туризмда деярли қўлланилмайди.

¹ БМТ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.



1-расм. Жаҳон бозорига минтақалар улушининг ўзгариши (башорат, %)¹

Америка ҳудудида халқаро туризмда Шимолий Америка (АҚШ, Канада, Мексика) етакчилик қилмоқда. Бу давлатларга ҳудуддаги 2/3 туристик оқимни ўзларига жалб қилмоқда. Бу ҳудуддаги 16% халқаро туристик оқим Жанубий Америкага, 13% и Кариб ҳудудига тўғри келади. Марказий Америка давлатлари халқаро туризмда минимал кўрсаткичларга эга. Африка ҳудудида ҳам халқаро туризмнинг жуда нотекис ривожланиш тенденциясини кузатиш мумкин.

Ҳудуддаги халқаро туристик оқим бўйича Марокко (18%) ва ЖАР (18%) давлатлари сезиларли миқдорларга эришмоқда. Тунис (12%) ҳам алоҳида ажралиб чиқмоқда. Ҳудуддаги доимий етакчилик албатта Саудия Арабистонида (26%, зиёратчилар ҳисобига). Кейинги ўринда Миср араб Республикаси (22%, пирамидалар ҳисобига), Бирлашган Араб Амирликлари (17%, юқори классли инфратузилмалар ва хизматлар ҳисобига).

Кейинги 10 йилликда жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотлари бўйича халқаро туризмда асосий мақсад ва мақсадларнинг ўзаро нисбатларида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Масалан, агар 2000 йили халқаро туризм оқимида дам олиш ва вақтичоғлик мақсадлари 62% бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 52%ни ташкил қилди; ишчанлик ва малакавий мақсадлардаги туристик фаолият 2000 йилги 18%дан, 2018 йилда 14%га пасайди; халқаро туризмда дўстлар ва қариндошлар билан учрашув, соғломлаштириш ва зиёрат мақсадларидаги туристик фаолият 20% дан 27 %га кўтарилди².

БТТнинг башоратлари бўйича халқаро туристик оқимда қайд қилинган мақсадлар бўйича туристик фаолият то 2030 йилларгача деярли сақланади. Лекин, сўнгги йилларда туристлардаги мажмуали мақсадларининг кўплигидан, ўзларининг туристик фаолиятдаги асосий мақсадларини белгилашда иккиланиш ҳулосаларига кўпроқ дуч келаётганлиги ҳам яхши ўрганилган. Бу эса, туристик фаолиятда диверсификациянинг давом этаётганлигидан, туризмнинг янги турлари юзага келаётганлигидан, халқаро туристик оқимнинг чегаралари ва географиясининг ўзгариб бораётганлигини билдиради.

Хулоса ва таклифлар. Жаҳон туризмнинг ривожланишининг замонавий тенденцияларини ўрганишдан келиб чиққан хулосалар шундан иборатки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари бизнингча қуйидаги истиқболли йўналишларда намоён бўлиши мумкин:

1. Ўзбекистон халқаро туризмни (тарихий-маданий, археологик, зиёрат ва экоту-

¹ Маълумотлар 1.3-жадвал асосида шакллантирилди.

² <http://www.unwto.org>

ризмлари) ривожлантиришни такомиллаштиришнинг кучайиши мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш марказларининг яратилишига эҳтиёжнинг кучайишига олиб келади.

2. Ўзбекистонга хорижий туристлар оқимининг кўпайиши туризмнинг соҳалари ва турлари бўйича халқаро талаб даражасида хизмат кўрсатадиган туроператорларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва кўникмаларни шакллантириш эҳтиёжларини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда ушбу масалалар амалга ошадиган бўлса, мамлакатимизда ҳам туризм соҳаси иқтисодиётнинг драйверига айланиш имкониятига эга бўлади.

<p>М.Куймуратова</p> <p>Состояние туризма в мире и перспективы его развития</p>	<p>M.Kuimuratova</p> <p>The state of tourism in the world and its development prospects</p>
<p>Аннотация: в статье рассмотрено состояние туризма в мире и перспективы его развития, изучен уровень развития международного туризма в туристических регионах мира на 2000-2020 годы и разработаны прогнозы до 2030 года. Проанализированы тенденции международного туристического рынка по регионам за тот же период.</p> <p>Ключевые слова: туризм, международный туризм, мировой туризм, туристский потенциал, туристическая индустрия, развитие туризма, туристический рынок, услуги, экспорт услуг.</p>	<p>Abstract: The article examines the state of tourism in the world and prospects for its development, studies the level of development of international tourism in tourist regions of the world for 2000-2020 and develops forecasts until 2030. Trends in the international tourism market by region for the same period are analyzed.</p> <p>Keywords: tourism, international tourism, world tourism, tourism potential, tourism industry, tourism development, tourism market, services, export of services.</p>

Kamol Sharifovich Yuldashev — Ipak yo‘li xalqaro turizm va madaniy meros universiteti tayanch doktranti, Buxoro davlat universiteti o‘qituvchisi

XALQARO TAJRIBA ASOSIDA O‘ZBEKISTONGA MUSTAQIL TURISTLARNI JALB QILISHDA VIZA SIYOSATINING TA’SIRI

Annotatsiya: mazkur maqolada xalqaro tajriba asosida O‘zbekistonga mustaqil turistlarni jalb qilishda viza siyosatining bevosita ta’siri statistik ma’lumotlar asosida isbotlangan va mamlakatning turistlar nazarida ochiqlik indeksi miqdoriy baholash metodologiyasi orqali aniqlangan.

Kalit so‘zlar: viza, mustaqil turist, vizasiz rejim, global passport indeksi, ochiqlik indeksi, miqdoriy baho, viza turlari.

Kirish. So‘nggi yillarda turizm industriyasi jahon miqyosida jadal rivojlanayotgan iqtisodiyot tarmoqlaridan biri bo‘lib hisoblanadi. World Travels & Tourism Council (WTTC) bergan statistik ma’lumotlariga ko‘ra, 2022-yilda sayohat va turizm sektori jahon yalpi ichki mahsulotiga 7,6 % hissa qo‘shdi va u 2021-yilga nisbatan 22 % o‘shishga erishgan bo‘lsa, ammo 2019-yilga nisbatan 23 % past ko‘rsatkichni tashkil etgan. Bundan tashqari, 2022-yilda 22 million yangi ish o‘rni paydo bo‘lib, bu 2021-yilga nisbatan 7,9 % ga o‘shishni va 2019-yilga nisbatan atigi 11,4 % past ko‘rsatkichni tashkil etdi. 2022-yilda mahalliy tashrif buyuruvchilarning xarajatlari 20,4 % ga oshdi, ammo 2019-yilgi ko‘rsatkichdan atigi 14,1 % pastroq bo‘ldi. 2022-yilda xalqaro tashrif buyuruvchilarning xarajatlari 81,9 % ga oshdi, ammo baribir 2019 yilga nisbatan 40,4 % ga ortda qolmoqda [1].

Sayohat qilishni istagan har bir turist destinatsiyani tanlash jarayonidagi eng asosiy omillardan biri bu mamlakatning viza siyosati hisoblanadi. Viza siyosatining soddalashtirilishi mamlakatga xorijiy turistlar oqimini oshirishda, yangi ish o‘rinlarining paydo bo‘lishiga, xalqaro aloqalarining mustahkamlanishiga, sayohat davomiyligining uzaytirilishiga olib keladi. Mamlakatning xalqaro turizmdan olishi mumkin bo‘lgan ijtimoiy-iqtisodiy manfaatidan to‘liq foydalanish uchun jahon miqyosida raqobatbardosh qiladigan shart-sharoitlarni yaratish bilan

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.